37-38 (471-472)
2005 йил 21 сентябрь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Ибратли оқсоқол
▶ Уйдирмачилар...

3
▶ "Олтин тўй"га етганлар
▶ Маҳалладош... демак бегона эмас!

4
▶ "Ҳидоят"дан хайирли хизмат
▶ Астрободга асос солган отахон?

СУД МАЖЛИСИ БОШЛАНДИ

20 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида 2005 йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятлар юзасидан қўзғатилган жиноий ишнинг дастлабки терговда якунланган қисмига биноан 15 нафар айбланувчига нисбатан тергов якунларини кўриб чиқиш бўйича очиқ суд мажлиси бошланди.

Мазкур жиноий иш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Бахтиёр Жамолов раислигидаги Олий суд судялари Воҳид Назаров, Йўлчибой Турсунбоевдан иборат Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноий ишлар бўйича суд коллегияси томонидан кўриб чиқилмоқда.

Иш бўйича раислик қилувчи Б.Жамолов суд мажлисини очди ва судланувчилар Собиров Мўйдин Имонқулович, Ҳамидов Фарҳод Умарович, Турғунов Аваз Тўлқинович, Ҳожиев Таваккалбек Нўъмонжонович, Ҳакимов Алишер Олимжонович, Нодиров Ғулом Баҳодирович, Юсупов Азизбек Умарович, Иброҳимов Абдувоис Эргашевич, Ортиқов Муҳаммадшокир Содиқжонович, Ҳожиев Илҳом Нўъмонжонович, Эргашев Валижон Йўлдошбоевич, Имонқулов Лочинбек Абдимўминжонович, Бурхонов Жаҳонгир Жўрахонович, Туропов Ҳусан Ҳакимович, Ғозиев Абдулҳафиз Сафимовичга нисбатан жиноий иш эшитилаётганлигини эълон қилди. Улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «а», «в», «г», «д», «е», «ж», «и», «л», «м», «о», «п», «р» бандлари, 155-моддасининг 3-қисми «а», «б» бандлари ва бошқа моддалари бўйича айбланмоқда.

Суд томонидан суд жараёни иштирокчиларининг ҳозир бўлгани текширилди, суд таркиби, томонлар эълон қилинди, рад қилиш ҳуқуқи тушунтирилди, судланувчиларнинг шахси ва уларга айблов хулосаларининг нусхалари берилган вақт аниқланди, иш бўйича судланувчилар ва томонларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тушунтирилди.

Суд мажлисининг тайёргарлик қисми тавсияномалар бор-йўқлиги тўғрисидаги масалани аниқлаш билан якунланди. Сўнгра раис томонидан суд тергови бошланганлиги эълон қилинди.

Давлат айбловчилари айблов хулосасини ўқиб эшиттирди.

Далилларни текшириш тартиби белгиланди. Бу жараён давомида судланувчилар, жабрланганлар, даъвогар фуқаролар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари тингланади, шунингдек, ушбу иш бўйича тўпланган бошқа далиллар текширилади.

Суд жараёнини 100 га яқин хорижий ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари, дипломатик миссиялар ва халқаро ташкилотлар вакиллари кузатиб бормоқда.

Суд жараёни давом этмоқда. Олий суд матбуот хизматидан маълум қилинишича, суднинг кейинги мажлиси 21 сентябрь соат 10 да бўлади.

/ЎзА/

МАҲАЛЛА — ЮРТИМИЗДА ТИНЧ-ФАРОВОН ҲАЁТ ҚЎРҒОНИ



Юртимиздаги фуқаролар йиғинлари бугун фақат аҳолини турли тадбирларда бирлаштирадиган органгина бўлиб қолмай, балки унда халқимизнинг ўй-хаёллари, муносабатлари ҳам шаклланади. Бугун фуқаролар йиғинлари оқсоқолидан тортиб, то унинг фаолигача ўзини шу юрт, шу халқ тақдири учун масъул деб билади.

Бундай фидойилик намуналари уларнинг бугунги кундаги Ватан, халқ тақдирига оид воқеликларга бўлган муносабатларида ҳам ўз аксини топади.

Ўз умрини фуқаролар йиғинлари ривожига бағишлаб келаётган "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби пойтахтлик Эгамберди ҳожи Қодиров умри мазмунини юрт, халқ истиқболига қўшган ҳиссаси билан ўлчайди.

4-саҳифада ⇨

СУРАТДА: *Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани маҳалла фаолларидан бир гуруҳи.*

Андижон вилояти

Воқелик ва муносабат

Сурхондарё вилояти

КЕЧИРИЛМАС ГУНОҲ

Халқимиз қалбига жароҳат солган май воқеалари тўғрисида биз андижонликлар доимо кўзга ёш олиб гапирамиз. Чунки ана шу хунрезликлар оқибатида қанча бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилди, фарзандлар отадан, оналар фарзандан эрта жудо бўлди.

Энг ачинарлиси ҳамда қалбимизни ларзага солган нарса террористлар сафига қўшилиб, ўз Ватанига, халқига қарши қурол кўтарганларнинг аксарияти шу юртнинг нонини еб, тузини ичган ватанфурушлар эканлигидир.

Яқинда Андижон воқеалари бўйича тергов ишларининг бориши тўғрисида Олий Мажлис комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг берган ҳисоботи матбуотда эълон қилинди. Очиғи, биз бу ҳисобот билан танишиб Ватанимиз тинчлигига раҳна солмоқчи бўлган бу ғаламисларнинг қилмишлари биз ўйлагандан ҳам кўра аянчлироқ, жирканчроқ эканлигига амин бўлдик. Уларга нисбатан қалбимиздаги нафрат ва ғазаб ўти янада кучлироқ алангалади.

Бугун мустақил Ўзбекистон дунё сари юз тутди, танилди. Бироқ юртимиздаги улкан иқтисодий ва юксак маданий-маърифий ҳамда ижтимоий ўзгаришларни кўролмаган ёт унсурлар, манфур кимсалар эрксевар халқимизнинг тинч, осойишта ҳаётига раҳна солмоқда.

ҚОНХЎРЛАРГА ОЗОДЛИКДА ЎРИН ЙЎҚ

Ўзларини "дин пешволари" санаб "Акромийлар" номи билан Ўзбекистон халқига ёвузликни раво кўрган бир гуруҳ ғаламисларнинг 13 май куни Андижонда содир этган хунрезликлари ҳали юртдошларимизнинг ёдидан кўтарилгани йўқ. Бир қанча юрт, халқ посбонларини, бегуноҳ одамларни аёвсиз ўлдирган бу манфур кимсалар бугун халқимизнинг қаҳру ғазабига учрамоқда. Бироқ шунга қарамай, дунё ҳамжамиятида Андижондаги қўпорувчилик ҳаракатини содир этганларни қўллабқувватловчи тарафкашлар топилди. Ўзбекистон ҳукуматига нисбатан "тинч аҳоли ўққа тутилди", "тинч намойишчилар, тинчликпарварларга нисбатан зуғум ўтказилди" қабилидаги иғвою бўҳтонлар, асоссиз даъволар қўзғалди.

Мана бугун ғалвирни сувдан кўтариб қарайдиган вақт етди. Жиноятчиларнинг жирканч ишлари фош бўлмоқда. Шу ўринда бир ҳақиқатни унутмаслик зарур. Ўзбек халқи кечиримли халқ. Бироқ халққа, юртга хиёнатни одамларимиз ҳеч қачон кечирмайди. Ҳаётдан бевақт насибаси узилган, орзу-ҳаваслари саробга айланган марҳумларнинг ортидан бўзлаб қолган норасида фарзандлари, кўзида ёш билан ўз боласини сўнгги манзилга кузатган бебахт ота-оналар авф этмайди.

Давоми 2-саҳифада ⇨

Ахборот ҳақиқат тарозусида

„ГАЗ УРУШИ" НИ КИМ ЭЪЛОН ҚИЛДИ?

ёки "Англия колонизаторлари"нинг Бишкек ва Тошкент ўртасидаги ўзаро муносабатларга совуқчилик туширишга уринаётганликлари хусусида

Бугунги сиёсатдонлар ибораси билан Марказий Осиё деб аталувчи ҳудуд тарихига эътибор қаратсангиз, унда яшовчи халқларнинг дўсту биродарлик ришталари жуда узоқ тарихга эга эканлигига кўплаб далиллар топасиз.

Лекин яқин ўтмиш зарварақларида (айтайлик, собиқ иттифоқ даврида), ҳатто бугунги кун воқелигида бу дўстликка путур етказишга уринишлар бўлганлиги ва бўлаётганлиги ҳам бор гап. Натижада "ахборот уруши" қуршовида қолаётган Марказий Осиё халқлари, хусусан, мустақил Ўзбекистон халқи бунга қарши ўзида соф ақлидрок туйғусини жамлаб курашиши давр тақазосига айланди.

"Ахборот уруши"нинг "фаол жангчилари"га океанортилик "оғалари" ҳомийлик қилиб турганлиги ҳам бугун ҳеч кимга сир эмас. Андижон воқеаларидан кейинги дастлабки кунларда уларнинг ҳар бир чиқиши уйдирмалар билан тўлиб-тошди. Кеча суд жараёни бошланди, демак ушбу уйдирмалар фош бўлиш арафасида. Шундай бир вазиятда, ўша машъум воқеага боғлаб "газ уруши", "сув уруши" мавзуларидаги уйдирмалар ҳам пайдо бўлди. Ўзбекистон томонидан Қирғизистонга ғаз сотиш Андижон воқеаларига ҳам, унга боғлиқ бўлган "қочоқ"лар масаласига ҳам сира алоқадор бўлмаслиги ҳақида Ўзбекистоннинг нуфузли нашрларида, хусусан, "Халқ сўзи" газетасида ахборотлар берилди. Бу ахборотларни ўқиган кишида ушбу масалага оид бошқа савол туғилиши мумкин эмас. Аммо океанорти оғалари ҳомийлигидаги "мухбирлар", "сиёсатдонлар" бу ўринда ҳам Ўзбекистоннинг нуфузига путур етказувчи ҳолатлар излаш билан оввора. Биз эътиборингизга ҳавола қилаётган интернет саҳифаларида ёритилган ушбу мақола ана шундай муносабатларга ойдинлик киритишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Давоми 2-саҳифада ⇨

Муштарий қалб туғёни

...БОҒИМГА ЁТ-БЕГОНАСАН!

Эй шумқадам, бузғунчилар, Андижонимдан тур нари,
Торт маҳалламдан оёғинг, хонадонимдан тур нари.

Ҳеч қачон ошмас амалга шум ниятинг — хом-хаёл,
Илгари одимлаган тезкор замонимдан тур нари.

Бахти кулган, яшнаган боғимга ёт-бегонасан,
Суқма қонли тумшуғинг, тинч ошёнимдан тур нари.

"Акромий"лик — мутаассиб муддаонг чиркин ва пуч,
Тилга олма соф исломни, пок иймонимдан тур нари.

Содда дилларни жаҳолат домига тортмоқ бўлиб,
Жудо қилдинг не-не юртдош қадрдонимдан, тур нари.

Қилмишингдан аждодларинг арвоҳи изтиробда,
Бобур руҳи урар туғён: "анда жоним" тур нари.

Кимки сендек нобакор, дўзахда ёнгай шубҳасиз,
Ўзбекистон — она-диёр, ҳурмаконимдан тур нари.

Исомиддин ЖУМАЕВ,
Бухоро шаҳридаги
Бунёдкор маҳалласи фаоли,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Тинчликсевар халқмиз, қалбимизда тинч-фаровон ҳаёт туйғуси мужассам. Юртдошимиз тинчлик рамзини ифодалаб гуллар ўстирибди.
Ш.ҚОРАБОЕВ олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикаси

Беғараз Ёрдам

МЕҲРИБОНЛИК УЙИГА МЕҲРИБОНЛАР ТАШРИФИ

Хўжайли шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйига Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Нукус филиалининг бир гуруҳ ходимлари ташриф буюришди. Бу гал улар ўзлари билан каттта миқдордаги инсонпарварлик юкларини келтирдилар.

Жамғарма вакиллари Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган 170 нафар ўғил-қизларга умумий қиймати 24 минг 306 АҚШ доллари миқдоридаги 482 дона турли кийим-кечакларни топширишди.

Спорт ва саломатлик

ТЎРАМУРОДОВЛАР ОИЛАСИ — ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Нукусда Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан ўзига хос оилавий спорт танлови бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистоннинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб чиққан 9 та жамоа қатнашди.

Қизғин баҳсларда чаққонлик, абжирлик борасида барчадан устун эканлигини намойиш этган Шўманой тумани вакиллари — Тўрамуродовлар оиласи ғолиб деб топилди.

Нукуслик Жтемуродовлар оиласи ва мўйноқлик Алланазаровлар оиласи иккинчи ва тахтакўпирлик Маҳаддиновлар оиласи учинчи ўринга сазовор бўлди. Ғолибларга "Маҳалла" жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг совғалари топширилди.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
Mahalla" мухбири

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Тахририят манзили:
Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА 2006 йил УЧУН ОБУНА БОШЛАНДИ.
2006 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ГЕРМАНИЯ: КАНЦЛЕР КИМ БЎЛАДИ?

Якшанба куни Германияда парламент сайлови ўтказилди. Сиёсий тадбирда сайловчилар анча фаол қатнашди — 77,7 фоиз. Лекин федерал канцлер лавозимини ким эгаллаши ва янги ҳукуматни ким шакллантириши ноаниқлигича қолди.

Амалдаги канцлер Герхард Шрёдер жорий йилнинг 1 июлида, Бундестаг (парламент) мажлисида ҳукумат раҳбарига ишонч билдириш масаласини қўйганида, аксарият депутатлар унга хайрихоҳлик билдирмаган эди. Шундан сўнг канцлер муддатидан олдин парламент сайлови ўтказишга қарор қилганди.

РАТА-ТАСС хабарига қараганда, Ангело Меркел хоним раҳбарлигидаги Христиан-демократик иттифоқ (ХДИ) ҳамда Христиан-социал иттифоқдан (ХСИ) иборат блок 35,2 фоиз овоз олган. Сайловчиларнинг 34,3 фоизи эса амалдаги канцлер Герхард Шрёдер бошчилигидаги Социал-демократик партиядан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлаган.

Шунингдек, Озод демократик партия 9,8 фоиз овозга эга бўлди. Сайлов жараёнида Социал-демократик партия билан ҳамкорлик қилган «яшиллар» партияси 8,1 фоиз овоз тўплади. «Сўлчилар» партиясига эса 8,7 фоиз сайловчи ишонч билдирган.

Энг кўп овоз тўплаган ХДУ/ХСУ блоки Бундестагда 225 ўринни эгаллайди. Социал-демократик партиядан эса 222 нафар вакил олий қонунчилик органида фаолият юритади. Мамлакат қонунларига мувофиқ эса, федерал ҳукуматни шакллантириш ҳуқуқини қўлга киритиш учун камида 300 депутатлик ўрнига эга бўлиш керак. Айни пайтда икки асосий рақиб мамлакатдаги бошқа кичик партиялар билан музокара ўтказиб, зарур бўлган қўшимча депутатлик ўринларини қўлга киритиш ҳаракатида.

Мамлакатдаги битта сайлов округида натижа маълум эмас. Шу боис хулоса чиқаришга ҳали эрта. Сабаби, сайловда номзоди кўрсатилган Миллий-демократик партия аъзоси тўсатдан вафот этгани ва ўрнига бошқа номзод қўйиш лозимлиги боис Дрезден округидаги сайлов 2 октябрга қолдирилди. Шундан сўнг ҳам канцлер ким бўлишини аниқланмаса, сайлов қайта ўтказилади.

Таъкидлаш жоизки, шу вақтга қадар Германияда ҳукуматни шакллантириш ҳуқуқини ягона партиялар қўлга киритиб келган. Бу сафар эса Социал-демократик партия ҳамда ХДУ/ХСУ блоки ўзаро кураш олиб бормоқда. Амалдаги канцлер Герхард Шрёдер ўз рақиби Ангело Меркелнинг ғалабасини тан олмаслиги, унинг ҳукуматни шакллантириш борасидаги тажрибаси етарли эмаслигини таъкидлади. Агар Ангело Меркел хоним федерал канцлер лавозимини эгалласа, у ҳукуматга раҳбарлик қилган биринчи аёл сифатида мамлакат тарихига киради, демоқда кузатувчилар.

Акмал НАЗАРОВ,
ЎзА шарҳловчиси

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Ахборот ҳақиқат тарозусида

„ГАЗ УРУШИ" НИ КИМ ЭЪЛОН ҚИЛДИ?

ёки "Англия колонизаторлари"нинг Бишкек ва Тошкент ўртасидаги ўзаро муносабатларга совуқчилик туширишга уринаётганликлари хусусида

IWPR, яъни Уруш ва тинчлик масалалари бўйича Лондон институти мухбири Лейла Саралаеванинг "Ўзбекистон қирғизларни газсиз қолдириш ниятида" сарлавҳали мақоласи мазмун-моҳияти ва кўзланган мақсади билан Ғарбнинг Марказий Осиёга нисбатан уюштираётган "ахборот уруши"нинг давомидир. Британиялик колонизаторларнинг азалий қон-қардош бўлган икки халқ ўртасига совуқчилик туширишга қаратилган ҳаракатларини бугунги кунда сўқир кўз билан ҳам англаш мумкин. Муаллифнинг бугун одатдаги халқ хўжалиги маҳсулоти олди-бердиси масаласига оид, яъни вақтида тўланмаган эски қарзлар билан боғлиқ мунозаралардан "сиёсий иш" ясаётганлиги ҳам бежизга эмас. Маълумки, шу йил баҳорида Андижонда содир этилган қонли фожеаларга тегишли очиқ суд жараёни бошланиш арафасида турибди. **(Бу жараён кеча бошланди — таъкид таҳририятники)** Ҳойнаҳой, мазкур террорчилик ҳаракатлари ташкилотчилари вужудига бир хавотир қалтироқ солмоқда, чунки бу жараён давомида уларнинг "халқпарварлар", "демократияни йўлга қўювчилар" деган ниқоблари олиб ташланиши аниқ. Буни уларнинг ўзлари ҳам англаб туришибди.

Ўзбек қочоқларининг Руминияга чиқариб юборилишига қасдма-қасд жавоб сифатида Ўзбекистон Қирғизистонга газ юборишни тўхтатиб қўйгани ҳақидаги кўпиртирилган гап-сўзлар эса Ғарбдаги маълум гуруҳлар учун Марказий Осиёда "бошқариб турилувчи келишмовчилик"ни юзага келтириш компаниясида янги бир босқич бўлди.

Аслида эса Қирғизистон томонидан қочоқларнинг Руминияга чиқариб юборилганига жавобан Ўзбекистоннинг газ узатишни тўхтатиб қўйиши ҳақидаги бу маълумотлар ҳақиқатдан жуда йироқ бўлган уйдирмалардир. Ҳаммага аёнки, газ ҳам аслида товар. Агар бунинг учун келишилган ҳақ вақтида тўланиб турилса, газ узатишни тўхтатиб қўйишга ҳожат бўлмайди. Хуллас, бу халқ хўжалигига оид масаланинг қочоқлар тақдирига ҳеч қанақа дахли йўқ.

Бу ўринда масаланинг аниқлик киритиш лозим бўлган томони бор: гап шундаки, газни Қирғизистонга етказиб берувчи мамлакат Ўзбекистон эмас, балки Қозоғистон ҳисобланади. Яъни, Қирғизистон аслида Қозоғистондан — Ўзбекистондан газни сотиб олиб, қўшни мамлакатларга қайта сотувчи мамлакатдан қарздор. Қирғизистон газ олиш учун Қозоғистонга ўз қарзларини тўлаб, ҳисоб-китоб қилиб қўйиши керак бўлади. Қуйидаги кўчирмага эътибор беринг: "Газ узатишни тўхтатиб қўймаслик борасида аввало "Казтрансгаз" билан келишиб олишимиз лозим, — дейди "Киргизгаз"нинг Бош директори Кувончбек Жусупов. — Биз 250 миллион кубометр газга буюртма берганмиз. Бу жанубий ҳудуд эҳтиёжини тўлиқ қондирган бўлар эди. Аммо уларнинг бир шарти бор — бунинг учун Қирғизистон уч йил давомида тўпланиб қолган 17,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги қарзини дарҳол тўлаб қўйиши керак. Қозоғистон газчиларининг бу талаби қонунийдир. Зотан, юзага келган ёқилғи муаммоси бу — ўз қарзларини вақтида тўлай олмаётган Қирғизистон ҳукуматининг муаммосидир." Унда бемор бошнинг оғриғини соғлом бошга кўчириш нега керак? Ишқилиб, Қирғизистон ҳукумати британиялик оғаларининг Андижон воқеалари борасидаги уйдирмалари газни бепул олишга имкон беради, деб жиддий ўйлашмаётганмикин?! Яна ким билади дейсиз? Шу кунларда қирғиз парламенти мунтазам равишда қўшниларини дарёдан сув бермай қўйиш режаси билан қўрқитишга уринмоқда. Ҳолбуки, қўшнилар бу дарё сувидан узоқ ўтмишдан буён фойдаланиб келишган.

Ҳар ҳолда газ билан сувнинг ўртасида катта фарқ бор: газни ер остидан излаб топиш, қазиб олиш керак, қейин жойларга жўнатиш масаласи бор. Албатта бу ишлар катта харажатлар эвазига амалга оширилади. Асрлар давомида оқиб турган сувдан фойдаланиш учун эса меҳнат ва сарф-харажат талаб этилмайди. Шундай бўлгач, бу иккисини тенглаштириш қайси мантиққа тўғри келади? Наҳотки ўша тараққий топган Ғарбда чегара ҳудуддаги дарёларнинг суви бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга сотилаётган бўлса? Яна билмадик, ҳозиргача давлатлараро чегараларда сув ҳисоблагичлар ўрнатилганини ҳеч ким кўргани йўқ. Ахир сув йўналишлари беркитилгудек бўлса бундан ҳамма зарар кўради. Аввало ялқовларча ёнбошлаб ётиб ейишни, фақат Аллоҳ инъоми билан қорин тўйғазишни ўйловчилар ҳисобга олмаётган бир ҳолат бор: бу ўринда экологик мутаносиблик бузилади. Ушбу йилнинг баҳоридаёқ Қозоғистоннинг жанубий вилоятлари аҳолиси Қирғизистондан тошган сувларнинг "каромати"ни ҳис қилиб улгуришди. Устига-устак, газдан фарқли ўлароқ, сувни йиғиб, келгусида сотиш учун омборхонада сақлаб бўлмайди, сув ана шунақа ноқулай товар, тарага жойлаб пуллаш учун унчалик ҳам ярамайди...

Айтганча, Лейла Саралаева бунгача ҳам Марказий Осиёда бузғунчиликни тарғиб қилиш борасида "ярқ этиб" кўзга ташланадиган ишлар қилишга улгурган. "Қозоғистон ва Қирғизистон сувни бўлиша олмади" — киноя қилади у, 2004 йил 7 декабрда президентлар Назарбоев ва Акаевлар имзолаган "Абадий дўстлик" шартномасини қирғиз парламенти томонидан ратификация қилинмаганлигидан "руҳланиб". Унда Андижон воқеаси йўқ эди ва шу боис "сув уруши"ни Ўзбекистонга боғлаб бўлмасди.

Баъзи бир "сиёсатдон" деб аталмишлар ўзларининг пуч фалсафаларини далиллаш илинжида ҳар қанақа бемаъниликка ҳам ўзаро келишиб олаверадилар. Саралаевадан яна бир парчани ҳавола қиламиз: "... сиёсатшунос Нур Омаровнинг фикрича, Ўзбекистон томонидан сиёсий босим ўтказиш мақсадида иқтисодий чораларнинг қўлланиши Марказий Осиё мамлакатларининг бир-бирига ёрдам кўрсатишга қаратилган қатор умумҳудудий ҳамда икки томонлама келишувлари руҳига тўғри келмайди. "Ўзбекларда Қирғизистонга таъсир ўтказишнинг бошқа йўли йўқ. Шунинг учун ҳам улар ўч олишнинг шундай майда усулидан фойдаланишни ўзларига раво кўришди. Қирғизистон жуда қийин вазиятда қолди ва ҳар томондан тарсаки еяпти — Ўзбекистондан ҳам, жаҳон ҳамжамиятидан ҳам..." — дейди Омаров".

Жаноб Омаров, бир нарсани билишни истардик: хўш, жаҳон ҳамжамияти нима учун сизга тарсаки туширмоқда? Айтайлик, сизнингча, Ўзбекистоннинг-ку "майда ўч"и бор, лекин қолганлар билан нимани бўлиша олмагандингиз?

Тушунасизми, жаноб, бу "ҳимматли тоғалар" келиб бурнингиз олдида ўзининг океанорти банкнотларини силкитиб ҳидлатади, кейин-чи? ...Кейин сизу биз биргаликда яшашимиз лозим. Яшаганда ҳам имкони борича дўсту бирадарликда яшашимиз керак, қўйинда қўшниларга аталган тошни яшириб эмас. Афсуски, сиз босқинчи ва қотилларни "қочоқ"лар дея сийлаб яширдингиз. Кейин уларни ҳамда юзлаб алданган ва боши гангиб қолганларни Руминияга жўнатилишига йўл берилди.

Хўш, энди нима бўлади? Адашган, зўрлаб кўчирилганлар (уларни шундай аташ тўғри бўлади) ўз ватанига йўл топади. Агар сиз томондан кўкраги илитилган бандитлар одам билан тўлиб тошган бозорларни ёки худо кўрсатмасин мактабларни портлатсалар-чи? Унда яна афсус қилиб, тарсаки едим, дея шикоят қилишдан фойда бўладими? Сиз ҳозирча буларни — гўёки "қочоқ"ларни Тергов изоляторида сақлаяпсиз (ҳар эҳтимолга қарши). Аммо коррупция илдиз отган полициянгизнинг бу сафар ҳам сотилиб кетмаслигига кафолат қани? Ахир баъзи бир "фуқаролиги йўқлар" паспорт сотиб олиб, Андижонга — жанг қилишга кетганлигини ўзингиз тасдиқладингиз-ку? Демак, бу жангарилар аввал сиздан паспорт сотиб олади, эртасига уларга океанортидаги ҳомийлари пул ташлайди ва Қирғизистон Президентлиги постини сотиб олади. Ишқилиб, бундай ҳолни худо кўрсатмасин. Биргина умид — Феликс Кулов каби соф виждонли одамлардан...

Демак "газ уруши", унгача эса "сув уруши" Ўзбекистон томонидан эмас, Қирғизистон томонидан эълон қилинган. Уни қаламингиз маҳсулини ўзича баҳолаб ҳақ тўлаб турган сизнинг хўжайинларингиз эълон қилди. Ҳа, ҳозир ҳақиқий ахборот уруши — Марказий Осиёнинг миллионлаб аҳолиси ақлини, қалбини ишғол этиш уруши кетяпти. Бу урушда бўш патрондан ёки шунчаки отилган ўқлар бўлмайди. Бу урушдаги ҳар бир уриниш биродар халқларнинг ўзаро муносабатларини газдан-да ортиқроқ заҳарлайди.

Албатта лойқаланган сувда балиқ тутиш осонроқ, аммо бундай лойқаланган сувни ичиш хавфли. Балки сиз, хоним Саралаева, тутунни бурқситиб қўйиб, кейин океанортига учишни мўлжаллаётгандирсиз? Қўйинг, "Америка орзулари" ҳақидаги хомхаёлларни. Прагматик америкаликлар сизни ҳам биз билан бирга — "ишлов бериб заҳарланган" ҳудудда қолиб оламдан ўтишингизни мўлжаллашган. Демак, ҳеч бўлмаса эртанги кунингиз ҳақида ўйланг. Агар ўйлаб қаралса, баъзан пул ҳам ёмон ҳид таратади. Яхши эмас...

Аҳмад РИЗАЕВ
"ЦентрАзия.Ру", 2005 йил 17 сентябрь

Воқелик ва муносабат

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

КЕЧИРИЛМАС ГУНОҲ

Ёвуз мақсадли бу кимсаларнинг террорчилик ҳуружи билан бир вақтда Ўзбекистонга қарши ахборот уруши ҳам тайёрлагани, ҳокимиятни эгаллаш билан халифалик давлатини ўрнатишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйгани ва бу йўлда қурол ишлатиб одам ўлдиришгача борганлигини қандай оқлаш мумкин? Ахир бу гуноҳи азим-ку!!!

Террорчилик ҳаракатлари оқибатида жами 187 киши ҳалок бўлди, уларнинг 60 нафари тинч аҳоли. Хўш, уларнинг айби нима эди? Демак, шунча оиланинг бошига мусибат тушди.

Биз бутун маҳалла аҳлимиз билан жиноятчиларнинг бу қилмишларини кескин қоралаймиз. Юртимиз тинчлигини бузган, мустақиллигимизга, танлаган мустақил йўлимизга ғов солмоқчи бўлган ғаламислар энг олий жазога лойиқ, деб ҳисоблаймиз.

Бугун кекса отахон ва онахонларнинг, уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳам нафрати чексиз. Шундай тинч ва фаровон ҳаётни бузишга интилиш, кун сайин тараққиёт сари бораётган жамиятга тўғаноқ бўлишлик гумроҳликдан бошқа нарса эмас. Истардикки, тергов ишлари, суд жараёни якунлангач, жиноятчиларга қилмишларига яраша энг оғир жазони белгиласа. Зотан улар юртга хоинлик, халқ нафратига дучор бўлиш энг оғир жазо, кечирилмас гуноҳ эканлигини тушуниб етадилар.

Андижон туманидаги Найман қишлоқ фуқаролар йиғини Намуна маҳалласи фуқаролари:
Авазхон ҚЎЛДОШЕВ,
Машраббой АБДУЛҲАКИМОВ,
Ўринбуша ҚОБУЛОВА,
Мақсудахон ТОЖИБОЕВА,
Турсунбой ҚУРБОНОВ,
Хайринисо ЗУҲРИДДИНОВА.

ҚОНХЎРЛАРГА ОЗОДЛИКДА ЎРИН ЙЎҚ

Тўғри, жиноятга жазо муқаррар. Андижон воқеаларининг ташкилотчилари ҳам, хунрезликларда бевосита иштирок этган виждонсиз кимсалар ҳам жазоланиши тайин. Зеро, давлатимиз қонунчилигида бегуноҳ инсонлар қонини тўкиш аёвсиз жазога лойиқ деб топилган. Қолаверса, дин ниқоби остида вахшийликка қўл урган жиноятчиларнинг қилмиши — Ислом динининг обрўйини тўкиш, унга шак келтириш ҳамдир. Бугун шубҳасиз, Андижондаги террористик ҳаракатларни содир этганлар устидан олиб борилаётган тергов ишлари ҳамда суд жараёнига қилни қирқ ёриб, адолатни юзага чиқаришга қодир соҳа ходимлари жалб этилган. Уларнинг жиноятчилар устидан одил ҳукм чиқаришига ишончимиз комил. Шунингдек, бу ўринда расман айблов эълон қилинади, гарчанд расман ҳужжатларда бўлмаса-да, халқ томонидан буларга нисбатан нафрат айблови ҳам эълон қилинган деб ҳисобланишини сўрар эдик.

Очил ПАРДАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
Тоҳир УСМОНОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, биринчи гуруҳ ногирони,
Халил АКРАМОВ, "Нуронийлар" жамғармаси Бойсун тумани бўлинмаси раиси,
Қурбон ХОЛМУРОДОВ, "Маҳалла" жамғармаси Бойсун тумани бўлинмаси раиси,
Раҳим ШАРИПОВ, уруш ва меҳнат фахрийси, биринчи гуруҳ ногирони,
Жума БЕКБОЕВ, Ҳуррам ХОЛИҚОВ, меҳнат фахрийлари.

Муносиб тақдирланганлар

Тошкент шаҳри

ОҚСОҚОЛНИНГ ЮТУҒИ НИМАДА?

Бугун юртимиз маҳаллаларида амалга оширилаётган ижобий ишлар, жамиятни эркинлаштириш борасидаги ислоҳотлардан хабардор инсон борки, пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги Чиғатой Оқтепаси маҳалласи оқсоқоли Хайрулла Мўминовни яхши танийди. Тадбиркорлиги ва ташаббускорлиги билан юксак натижаларга эришиб, ўз маҳалласи мисолида ўзини ўзи бошқариш тизими фаолиятининг нечоғли самарали эканлигини барчага намойиш қилиб келаётган бу инсоннинг иш тажрибалари оммавий ахборот воситалари орқали кўп тарғиб қилинган, бу тажрибалар айни пайтда юртимиздаги кўпгина маҳаллаларда оммалашиб кетган.

Чиғатой Оқтепаси маҳалласи оқсоқоли Х.Мўминов (ўнгда) кекса маҳалладошларини йўқлаб туради.

1998 йилда Чиғатой Оқтепаси маҳалласи аҳли Хайрулла акани оқсоқол этиб сайлашган эди. Маҳалла иши фақат одамларга маълумот ёзиб беришу давлат томонидан ажратилган моддий ёрдам пулларини тарқатишдангина иборат бўлмаслиги керак, деган эди у ўша сайловда. Атрофига тадбиркорларни, оиласи бақувват инсонларни тўплади, маслаҳатга солди. Орадан бир йил ўтиб маҳаллада гузар мажмуаси қурилиши бошланди. Бу иш учун 55 млн. сўм маблағ сарфланди. Кўп ўтмай Чиғатой Оқтепасида замонавий гузар биноси қад ростлади.

Маҳаллада эҳтиёжманд инсонлар бор эди. Оқсоқол уларга моддий ёрдам кўрсатиш билан чекланмаслик керак, балки уларнинг бу ҳолатдан чиқиб кетишлари учун кўмаклашиш зарур, деган фикрни илгари сурди. Натижада маҳаллада хусусий ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор кучайди. Масалан, 2001 йилда маҳаллада хусусий тадбиркорлар 13 кишидан иборат бўлган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 70 нафарга етди. Оилавий тадбиркорлар ўтган беш йил давомида 7 нафардан 63 нафарга кўпайди. Кам таъминланган оилалар сони эса ана шу давр ичида 66 тадан 17 тага камайган.

Кимдир бугун ўз ҳовлисида иссиқхона қуриб сабзавот ва мева етиштираяпти, яна кимдир парранда боқиб рўзғорини бутлаяпти. Кимдир эса ўз фарзандлари, яқинлари билан бирга уйида қандолатчилик, мебель тайёрлаш цехларини очиб маблағ орттираяпти. Қолаверса, бундай фаолиятдан маҳалла ҳам манфаатдор. Аввало ҳудудда муҳтожлар камаймоқда. Кўпчилик тадбиркорлар даромадининг маълум қисмини маҳаллани ободонлаштириш ишлари учун сарфлаяпти.

Маҳаллада корхона

Дарҳақиқат, маҳалла тадбиркорликдан тушган маблағ орқали оёққа турди. Дастлаб гузар қурилди. 2000 йилда маҳалла ҳудудида жойлашган Чиғатой Оқтепаси тарихий обидаси ҳашар йўли билан ободонлаштирилиб, бу ерда "Меҳр-мурувват маркази" ташкил этилди. Айни пайтда мазкур дам олиш ва шифо маскани эҳтиёжманд инсонлар бебул даволанишяпти. Маҳалладаги 4 та кўчага асфальт ётқизишга ҳам тадбиркорлар бош қўшди. Ҳудуддан оқиб ўтувчи катта ариқнинг 400 метри бетонлаштирилди. 2003 йилда 261-мактабда замонавий спорт мажмуи бунёд этилди. Меҳр ва мурувват йили муносабати билан 12 та кам таъминланган оилаларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди. Маҳаллада ташландиқ жой бор эди. Оқсоқол бу ерни обод масканга айлантириш ташаббуси билан чиқиб, бу хайрли ишга тадбиркорларни жалб қилди. Жорий йилда ушбу ташландиқ жой ўрнида кўркам боғ яратилди.

— Ишсизлик муаммоси мавжуд бўлган жойда жиноятчиликка, ижтимоий ночорликка бутунлай барҳам бериб бўлмайди, — дейди Х.Мўминов. — Шу боис биз маҳаллада янги иш ўринлари яратиш орқали ишсизлик муаммосининг олдини олишга эришаяпмиз. Масалан, ўтган беш йил давомида маҳаллада 169 та янги иш ўринлари яратилди. Аёллар учун иш жойлари 67 тага кўпайди. 2001 йилда 30-60 ёшли фуқаролар ўртасида ишсизлар сони 117 нафар эди. Жорий йилда бу миқдор 10 нафарни ташкил этди. Ёшлар орасида ҳам ишсизлар 106 нафардан 8 нафарга етди. Ҳудудда бундай муҳитнинг яратилиши ўз навбатида содир этилиши мумкин бўлган жиноятларга, ҳуқуқбузарликларга ҳам чек қўйди.

Шунингдек, уйда ўтирган ишсиз аёлларни фуқаролар йиғини "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси билан ҳамкорликда турли ўқув-курсларига юбориб, уларнинг ҳунар ўрганишига кўмаклашди. Улар бундай ўқувлардан махсус сертификатлар билан қайтиб, эндиликда маҳаллада тадбиркорликни ривожлантирмоқдалар.

Албатта, оқсоқолнинг маҳаллада амалга ошираётган бундай хайрли ишлари эътибордан четда қолаётгани йўқ. Хайрулла ака ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси томонидан эълон қилинган "Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли", "Энг ибратли маҳалла оқсоқоли" кўрик-танловларида бир неча бор республика ғолиблигини қўлга киритди. Бу йил ҳам Хайрулла Мўминов "Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли" республика кўрик-танловида 1-ўрин соҳиби бўлди. Энг қувонарлиси, мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Дарвоқе, Хайрулла Мўминов Тошкент шаҳар кенгаши депутати, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш комиссияси аъзоси сифатида айни пайтда нафақат маҳалладошлари, балки бутун пойтахт аҳолиси муаммоларини ҳал этиш хусусида қайғурмоқда.

Фаррух БЎТАЕВ,
"Mahalla" мухбири

Тошкент шаҳри

Чинор Миробод туманидаги энг катта маҳаллалардан бири саналади. Фуқаролар йиғини идораси турли оммабоп маросимларни ўтказиш мумкин бўлган шинам бир бинода жойлашган.

МАҲАЛЛАДОШ БЕГОНА БЎЛМАС...

— Бундай бинога эга бўлиш учун анча-мунча тер тўкдик, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мирфаёз ака Рустамов. — Икки йил бурун келганингизда бу жойда бошқача манзараларни кўрар эдингиз. Ним қоронғу хоналар, илма-тешик пол, ойналар тўкилиб тушган... Ҳовлини ҳам кўриб бўлмасди. Абдубилол Раҳимов, Умаржон Салмонов, Раҳимжон Рўзиматовлар каби фаоллар билан кенгашиб, бинони қайта таъмирлаш ишларига киришдик. Хизматдан, уй ишларидан бўшадик дегунча катта-кичик юмушларни бажара бошладик. Тўғриси, бизнинг ҳаракатларимизни кўриб, кўпчилик кулди. "Бекорчилар. Қиладиган ишлари бўлмагандан кейин, беҳуда ишларга уринишади-да", деб айтганлар ҳам бўлди. Аммо биз парво қилмай уринавердик. Маҳалла биноси эпақага келгани сайин ҳашарчилар сафи ҳам орта борди. Туман ҳокимлиги катта миқдорда маблағ ажратгач, қурилиш ишлари янада жадаллашди. Маҳалламиз аҳли кучи билан 6 миллион сўмлик иш бажарилди. Тўйлар, турли маросимлар ўтказса бўладиган улкан кошонага эга бўлдик. Нонвойхона қурилди. Болаларимиз учун спорт майдончалари барпо этдик. Мингдан ортиқ кўчатлар экдик, уйлар атрофини ободонлаштирдик, дарахтларни оқлаб чиқдик. Энг асосийси, шу қурилишдаги меҳнат одамларни бирлаштирди: маҳалла бир тан, бир жон бўлди. Бирон хонадонда маросим уюштирилса, бу маросимнинг яхши ўтиши учун ҳамма бирдай жон куйдирадиган бўлди. Маҳалламизга қарашли "Элга мадад", "Даврқамолотчи", "Тадбир" номли ширкатлар билан ҳамкорликда 15 та кўп қаватли уйни тўлиқ таъмирдан чиқардик ва газ, сув, электр энергияси таъминотидан ҳам, тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишидан ҳам шикоятлар эшитмайдиган бўлдик.

Туман ҳокимлигининг бевосита раҳбарлиги, "Мебеллар уйи" жамоаси, "Фотон", "Электроаппарат" заводларининг беғараз ёрдамлари туфайли ҳамма уйларимизнинг йўлаклари таъмирланиб, 3 та уйга темир эшиклар ўрнатдик.

— "Маҳаллада бегона бўлмас" тадбири яхши натижа бермоқда — суҳбатга қўшилади маҳалла фаоли Раҳимжон Рўзиматов. — Одамлар менинг маҳаллам, нима қилсам қўни-қўшниларим, маҳалла-куйим учун, ўзим, болаларим — келажагим учун бу юмушни бажаряпман, деб сидқидилдан ҳаракат қиладиган бўлди.

С.МУҚИМОВ

Фарғона вилояти

ҒАЙРАТнинг ҒАЙРАТЛИ ЙИГИТИ

у ғайратликлар учун гузар қурди

Фарғона—Қува йўли бўйида "Ғайрат маҳалласи гузари" деган ёзув Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги байрами арафасида пайдо бўлди. Уни ҳамиша элим-юртим деб яшайдиган фидойи инсон Улуғбек Охунов қуриб, маҳалла аҳлига тортиқ қилди.

Гузар ўрнидаги ташландиқ ерда турли чиқиндилар уюлиб ётарди. Катта йўл бўйида бундай жойнинг бўлиши маҳалла ҳуснига доғ эди. Буни кўрган Улуғбек унинг ўрнида йўловчилар, маҳалла аҳли дам оладиган маскан қуришга бел боғлади ва мақсадини Бешбола қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ўрмонжон Қурбонов ҳамда "Сабзавоткор" ширкат хўжалиги раиси Анваржон Норқобуловга айтди. Улар бу ташаббусни қўллаб-қувватлашди.

Бундан руҳланган Улуғбек дарҳол ишга киришиб, биринчи навбатда қурилажак гузар ўрнини ахлатдан тозалади. Тош-шағал тўкиб, текис ва кенг майдон ҳозирлади. Бу орада лойиҳа-ҳужжатлар тайёрланиб, банкдан кредит расмийлаштирилди. Кўрибсизки, гузар қурилиши тезда қизигандан қизиб кетди. Дўстлари, маҳалла аҳли унга ёрдам берди. Байрам арафасида "Ғайрат маҳалласи гузари"нинг очилиш тантанаси бўлди.

Дарвоқе, гузар ҳудудида артизиан қудуғи қазилиб, тоза ичимлик суви чиқарилган. Электр, табиий газ келтирилган. Кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилиб, гулзорлар ташкил қилинган. Гузарнинг бир четида автоуловларни қўйиш учун жой ҳам ҳозирланган. Унинг ёнида ёнилғи қуйиш шахобчаси мавжуд.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири

СУРАТДА: *Ғайрат маҳалласи гузари кўриниши.*
Шамсиддин ҚОРАБОЕВ олган сурат.

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ — ЖАМИЯТ РАВНАҚИ ТИМСОЛИ

Истиқлол туфайли аёлнинг жамиятдаги ўрни янада мустаҳкамланди, унинг янги-янги қирралари очилди. Айнан Мустақиллик шарофати билан Аёл — ижодкор, Аёл — Она, Аёл — Яратувчи, Аёл — Тадбиркор мақомлари кундалик ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олди. Шу ўринда беихтиёр файласуфлардан бирининг "Жамиятнинг маданият даражаси унинг аёлга бўлган муносабатида ўз аксини топади" деган ҳикматли гапи ёдга тушади.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда мазкур Фармон ижросини таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қароридан сўнг бу борадаги ишлар янги сифат даражасига эришганини тан олиб ўтиш жоиз.

Фармондан сўнг хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлаш, аёлларнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий ва интеллектуал ўсишини янада кучайтириш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ҳар бир тумани бўйича доимий ишлайдиган комиссия аъзоларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилди.

Республика хотин-қизлар қўмитаси таркибида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналиши бўйича алоҳида бўлим ташкил этилди.

"Соғлом авлод учун" нодавлат, халқаро хайрия жамғармасининг тиббий ижтимоий бригадалари билан ҳамкорликда 8764 та оила, шу жумладан 24340 та аёллар, 19859 та туғиш ёшидаги аёллар, 13515 та болалар, 5171 та ўсмирлар, 4481 та қариялар тиббий кўрикдан ўтказилди. Ушбу тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари орқали қишлоқларда яшовчи кам таъминланган оилаларга жами 2 млн. 636 минг. 888 сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

Шунингдек, соғлом оилани шакллантириш, соғлом турмуш тарзи борасидаги билимларни ошириш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашга қаратилган тарғибот ишларини кучайтириш мақсадида республикамизнинг барча олий ўқув юртлари, коллеж ва лицей талабалари, маҳалла хотин-қизлари учун семинар-учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилди.

7 апрель — Саломатлик куни, 15 май — Халқаро Оила куни, 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни, 15 июнь — Халқаро донорлик куни, 26 июнь — Халқаро наркоманияга қарши кураш куни саналари муносабати билан барча шаҳар ҳамда туманларда аёллар ва болалар ўртасида кенг кўламли, қизиқарли тадбирлар ўтказилди. Бу тадбирларда иштирокчилар томонидан берилган саволларга мутахассислар тўлақонли жавоб қайтардилар.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2005 йилнинг "Сиҳат-саломатлик йили" деб номланиши бизнинг фаолиятимизга янада самарали таъсир кўрсатди. Чунончи, Сиҳат-саломатлик йилида болаларнинг ёзги дам олишини намунали ташкил этиш мақсадида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси тасарруфидаги "Оила" маркази қошида кундузги дам олиш оромгоҳи ташкил этилиб, унда Тошкент шаҳри маҳаллаларида истиқомат қиладиган 240 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандлари дам олдилар, ҳам соғлиқларини тиклаб олдилар. Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар фарзандларининг 150 нафари вазирлик тасарруфидаги "Оқтош" оромгоҳида бепул дам олдилар.

Қўмита халқаро ташкилотлар билан ҳам самарали ҳамкорлик олиб бормоқда. Жумладан, БМТнинг аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) билан ҳамкорликда "Репродуктив саломатлик, аҳолишунослик ва ривожланиш" йўналиши бўйича медиакомпания, учрашувлар ўтказилди.

Оилада маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни барпо қилиш хотин-қизлар қўмиталари фаолиятининг муҳим йўналишига айланди. Хотин-қизлар ва болаларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, спорт билан шуғулланаётган хотин-қизлар сони 7 миллиондан ошди. Шу йилнинг ўзидаёқ аёллар спортини ривожлантириш бўйича учта халқаро семинар ўтказилди. Июнь ойида Чирчиқ шаҳрида ўтказилган аёллар спартакиадасида юртимиз хотин-қизлари юксак натижаларни намойиш қилдилар. Юртимизда тобора оммалашиб бораётган оилавий спорт мусобақаларида уч юз мингга яқин киши иштирок этди.

Нурия ТУРЕЕВА,
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари.



Андижон вилояти

ОИЛА – ЖАМИЯТ ҚЎРҒОНИ

Ибратли оила эса унинг безаги

Абдурашид ота Абдукаримов ва Ўктамхон аялар Қўрғонтепа туманидаги Навоий номли ширкат хўжалигида бутун умр ҳалол меҳнат қилдилар. Ана шу йиллар ичида улар 11 нафар фарзандни тарбиялаб, камолга етказдилар. Абдурашид ота уста тракторчи бўлса, Ўктамхон ая илғор пиллакор, теримчи сифатида донг таратди. Фарзандлар ҳам меҳнатсеварликда ота-оналаридан ўрнак олдилар. Бугунги кунда улар орасида ўқитувчи, шифокор, механизатор, йўлсоз, деҳқон ва бошқа касб эгалари бор.

Мустақиллик байрами арафасида Абдурашид ота ва Ўктамхон ая ҳамқишлоқларини, қариндош-уруғларини турмуш қурганликларининг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган "олтин тўй"га таклиф этдилар.

СУРАТДА: *Абдурашид ота ва Ўктамхон аялар.*

Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат.

Маҳалла комиссияларида

ЙИҒИН ФАОЛИЯТДА БЎЛСА

демак, ундаги муаммолар ҳам шу ернинг ўзида ҳал этилиши керак

Ўттиз йилдан буён аҳил-иноқ турмуш кечириб келаётган эр-хотиннинг ўртасига совуқлик тушди. Улар негадир бир-бирларини тушунолмай қолдилар. Эр уйдан бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Уларнинг 4 нафар фарзанди, ўнлаб неваралари бор эди.

— Биз бу гапдан хабардор бўлганимизда орадан бир ойлар чамаси вақт ўтган экан, — дейди Хўжаобод туманидаги Бирлашган қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Кўприкбоши маҳалласи оқсоқоли Ботиржон Назаров. — Ёшлар-ку ўз йўлига, уларни йўлга солишимиз, хатоларини тўғрилашимиз керак. Аммо ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, маҳаллада ўзига яраша обрў-эътиборга эга бўлган бу одамларга насиҳат қилиш, тушунтириш аслида ортиқча...

Маҳалла фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссияси раиси ўринбосари Пўлатҳожи Қурбонов, фаоллардан Каримжон Ҳабибуллаев, Абдуманноб Усмонов, маҳалла имоми Ҳасанбой Усмоновлар ваъда қилганидек, кечки пайт хонадонга кириб келишди.Бу вақтда аразлаб кетган отани ҳам таклиф қилишган эди.

— Сизлар ҳозир урушадиган, аразлашадиган ёшдан ўтиб кетгансизлар, — деди Пўлатҳожи Қурбонов аста гап бошлаб. — Биз сизларни доимо бошқаларга ўрнак қилиб келамиз. Чунки оилангиз ҳар жиҳатдан тўкис. Шундай ажойиб оила бошлиқларининг арзимас гап-сўзлар туфайли ажралиб кетиши фарзандлари, набиралари ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши табиий. Уят бўлади, маҳалладагилар эшитмасин.

Эр-хотин бир-бирларига гуноҳкорона кўз ташлашди. Шу билан яна бир оилавий можаро ҳал бўлди.

Маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Ҳулкарой Нўъмонжонова, фаол хотин-қизлардан Мавжудахон Арабова, Мунаввархон Абдуллаевалар оилаларда тинчлик-тотувлик бўлиши учун ғайрат билан ишламоқдалар. Бунда маҳалла фуқаролар йиғини ўрамидаги 7 та кўчанинг кўчабошилари, оқсоқолларнинг ҳам хизматлари катта. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида маҳаллада оилавий ажралиш кузатилмаганлиги ҳам ана шу кишиларнинг биргаликда олиб бораётган меҳнатлари самараси.

Йиғин қошидаги 13 та йўналишдаги комиссия фаолиятида ҳам бундай ижобий жиҳатлар кўп. Айниқса, Содиқбой Ҳожиев раҳбарлик қилаётган коммунал тўловларни йиғиш, Тўхтахон Набиева етакчилигидаги хотин-қизлар билан ишлаш, Ёқубжон Эгамбердиев бошчилигидаги тўй ва маросимларни ўтказиш комиссияларининг ишини алоҳида ўрнак қилиб кўрсатишимиз мумкин.

— Маҳалла фаолиятда экан, унинг муаммолари ҳам шу ернинг ўзида ҳал этилгани маъқул, — дейди маҳалла оқсоқоли Ғофуржон ака ўз сўзида давом этиб. — Чунки юқори идоралардан арзимаган муаммо учун комиссия чақириш ёки ҳуқуқ-тартибот органларини жалб қилиш маҳалланинг ишига ҳам, шаънига ҳам тўғри келмайди. Бугун бизнинг фаолиятимизда ана шу фикрнинг ёрқин исботини топиш мумкин.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Қишлоқ фуқаролар йиғинларида

РИЗҚИМИЗ БУТУН, РЎЗҒОРИМИЗ ТЎКИН

— дейди жалойирлик меҳнатсевар одамлар

Қумқўрғон туманининг жанубий ҳудуди Жарқўрғон туманига туташиб кетган. Ўн беш қишлоқда Истиқлол, Ўзбекистон беш йиллиги, Боболочин, Уяс, Жалойир, Тўхтамиш Муқимов номли маҳаллалар таркиб топган. Нурмамат Мирзаев номли ширкат хўжалиги ва "Чорвадор" хусусий корхонаси ҳам шу ҳудудда жойлашган.

Шу билан бирга, йигирма олти фермер хўжалиги, енгил саноат йўналишига ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежи, саккизта умумий ўрта таълим мактаби, эллик ўринга эга бўлган шифохона, учта қишлоқ врачлик пункти, кислород корхонаси ҳам аҳоли хизматида. Улар бир бутун Жалойир қишлоқ фуқаролар йиғинини ташкил қилади. Ер майдони 87180 квадрат метр. Аҳолиси 23 минг 600 кишидан иборат.

Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдурашид Мухторов куйинчак йигит. Халқнинг фаровон турмуш кечиришини, маҳаллаларнинг обод, кўркам бўлишини жон дилидан истайди, шунга интилади.

Туман марказидан қарийб қирқ километр узоқда бўлган Жалойир қишлоқ йиғинида тоза ичимлик суви қувурлари тортилган хонадонлар сони тўрт минг беш юздан ошди. Уч минг тўрт юз оилада табиий газ ёнмоқда. Бу иш ҳозир ҳам қизғин давом эттирилмоқда. Масалан, қишлоқ йиғини тасарруфидаги Ўзбекистон беш йиллиги маҳалласи аҳолиси ичимлик суви билан тўлиқ таъминланмаган эди. Бундай хонадонлар сони юзга яқин эди. Маҳалла оқсоқоли Абдуқаҳҳор Қароров одамларни бу хайрли ишни охирига етказишга даъват этди. Маҳалла йиғини ҳузурида фаолият юритаётган ободончилик комиссияси аъзолари ишга киришди. Маблағ йиғилди. Иккита фермер хўжалиги ҳам ҳомийлик қилди. Маҳалланинг чекка ҳудудига сув қувурлари тортишга сармоя ажратди. Бу иш икки ойда якун топди. Яна 50 хўжаликка об-ҳаёт етказиб берилди. Рустам Хўжаев раис бўлган Тўхтамиш Муқимов номли маҳаллада ҳам қувурлар тортиш иши уюшқоқлик билан ташкил этилган.

Сапарали Алмуродов Боболочин маҳалласига раис этиб сайлангандан буён одамларни ободончилик ишларини амалга оширишга сафарбар этмоқда. Унинг ташаббуси билан қисқа муддатда олтмиш хонадон газлаштирилди. Пул фуқаролар ҳисобидан йиғилган эди. Бундай ибратли ишни Ўзбекистон беш йиллиги маҳалласида ҳам кўриш мумкин. Ундаги бир юз етмиш хонадонни газлаштириш жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Бу йил Боболочин маҳалласида 3, Жалойир маҳалласида 6, Уяс маҳалласида 3, Истиқлол маҳалласида 1,5 километр йўл асфальт қилинди. Кўчаларнинг икки кифтидан ўтган ариқ ёқаларида гуллар, мевали, манзарали дарахт кўчатлари ўстирилмоқда. Кўчаларнинг қарийб ўн икки километрини таъмирлаш қишлоқ меҳнаткашлари маблағи ҳисобидан бажарилди. Улуғ зот Алламо Хўжа Самандар Термизийнинг қабри шўро ҳукумати даврида ташландиқ ҳолда эди. Мустақиллик йилларида бу қадамжони ободонлаштиришга киришилди, маҳобатли мақбара қурилди. Қишлоқ аҳли ҳам бу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшди. Уяс маҳалласида эса Хўжа Самандар Термизий хотирасига бағишлаб ҳар йили миллий кураш бўйича турнир ўтказилади. Оқсоқол Абдурашид Мухторов дунёқараши кенг, маънавияти юксак, одам. Унинг ташаббуси билан ўтган асрда қурилган эски, ташландиқ бинолар таъмирланди, қайта чирой очди. Улар маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарга, маданият уйларига, кутубхоналарга айланди. Ҳозир қишлоқ йиғини ҳудудидаги олтита маҳалланинг ҳар бирида кутубхона, маданият уйи фаолият юритмоқда. Ўтган икки йилда ўндан ортиқ янги корхоналар бунёд этилди. Уч юзга яқин ишчи ўринлари яратилди.

Ҳа, жалойирликлар меҳнаткаш, тадбиркор одамлар. Бу ерда ишсизлар йўқ ҳисоби. Ҳар бир оила ўн беш, йигирма сотиҳдан томорқа ерларига эга. Деҳқончилик уларнинг асосий касб-кори. Ердан бир йилда икки бор ҳосил олишади. Жалойирда иссиқхонада лимон, мандарин етиштирмайдиган хўжалик топилмайди. Уларнинг йиллик даромади икки ярим, уч миллион сўмга етади.

Демак, Жалойир қишлоқ йиғини ҳудудида умргузаронлик қилаётган замондошларимизнинг омбори донга, чўнтаги пулга тўла. Бу бизнинг озод ва обод юртда кечираётган тўкин ҳаётимиздан нишона эмасми?!

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Сурхондарё вилояти

Олам турфа

...СЕЙСМОГРАФ

Ер силкинишини аниқлайдиган биринчи машҳур асбоб 132 йили Хитойлик фалакиётшунос Чжэн Хэн томонидан яратилган бўлиб, у айланаси 2 метр келадиган бронза идишдан иборат.

Асбобнинг сирт деворига 8 та "аждаҳо боши" жойлаштирилган. Ҳар бир "аждаҳо" оғзида шар бор. Идиш ичига эса маятник жойлаштирилган бўлиб, ҳар бир "аждаҳо боши" унга тортиб боғланган. Маятник ерости силкиниши пайтида ҳаракатга келади. Ер қимирлаши қай томондан содир бўлса, маятникка тортилган ўша томондаги "аждаҳо" оғзидан отилиб чиққан шар идиш тагига ўрнатилган оғзи очиқ 8 та бақадан бирининг оғзига келиб тушади. Бу асбоб жуда сезувчандир. Зилзила маркази ўзидан 6000 километр нарида бўлсада, пайқайди.

Везувий обсерваториясида 1856 йилдагина сейсмограф қурилган. У сейсмик тўлқинлар ўтишини, тебраниш кенглигини, йўналиш ва тебраниш вақтини аниқлаган.

Ҳозирги кунда эса ернинг барча бурчакларида замонавий асбоблар билан жиҳозланган ва бир хил вақт бўйича ишловчи сейсмик станциялар ташкил этилган.

...ТЕМИР ЙЎЛ

Маълум бўлишича, сайёрамизда темир йўл тарихчиларнинг ҳисоб-китобларидан бирмунча аВвал қурилгандир.

1764 йили қирол Людовик XVI буйруғи билан Париж шаҳрида узунлиги бор-йўғи 100 метр бўлган темир йўл қурилган. Унга қирол тушган арава ўрнатилиб, кўплаб хизматчилар ёрдамида юргизилган.

...ПОЛИЭТИЛЕН ХАЛТАСИ

Дўкондан ёки бозордан у-бу харид қилсанглар уларни саранжом кўтариб юришда полиэтилен халтаси асқотади.

Демак, бу халтани ҳар куни бўлмаса-да, кунора ишлатасиз. Хўш бу халтани ким ўйлаб чиқарган экан? Унинг ватани қаер, деган саволлар сизни ҳеч ўйлантирганми? Агар қизиқаётган бўлсангиз, айтишимиз мумкин. Унинг муаллифи У.Гамильтон. Ватани — Швеция мамлакати.

Ҳисоб-китобларга қараганда, дунё бўйича йилига 4 миллиарддан ортиқ полиэтилен халтаси сотилмоқда. Бу рақам ҳали яна ўсади. Шу нуқтаи назардан Гамильтонга "Шведт — 89" деган юксак унвон берилган.

Демак, халта ўшанда 89 ёшда эди.

М.ИСЛОМОВА тайёрлади.

2005 йил 21 сентябрь
37-38 (471-472)

Бозорларимиз тарихидан

Осиёнинг ўзига хос савдо маркази

Маълумки, Тошкент Буюк Ипак йўлида жойлашган Ўрта Осиёнинг қадимий сиёсий, иқтисодий, маданий ва маърифий марказларидан бири бўлган. Шаҳар муҳим географик ўринда — Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан савдо-сотиқ йўлида жойлашганлиги сабабли бу ерга ҳар йили юзлаб-минглаб савдо карвонлари келиб турган.

Тошкент қадимдан Марказий Осиёдаги йирик ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ марказларидан бири бўлиб келган.

1739 йили Тошкентга юборилган биринчи рус савдо карвонининг бошлиғи Карл Миллернинг ёзишича, энг катта бозор шаҳарнинг марказий қисмида бўлиб, у ерни Регистон деб аташади. Бундан кичикроқ бозорлар ҳам бор. 1800 йили Тошкентда бўлган тоғ-кон муҳандислари Бурнашев ва Поспеловлар "Шаҳар ўртасида жойлашган бозор кенг майдондан иборат бўлиб, савдогарлар учун молларнинг хилига қараб раста ва дўконлар қурилган" деб ёзсалар, 1813 йили Тошкентда бўлган элчи Ф.Назаров эса шаҳарни турли мамлакатлардан узлуксиз карвонлар келиб-кетадиган йирик савдо пункти деб таърифлайди.

Тошкент аҳолиси ҳаётида савдо-сотиқ муҳим ўрин эгаллаган. 1871 йилда янги ва эски шаҳарда савдо билан шуғулланувчилар сони 43 минг 848 кишини ташкил этган. Ўлкада узоқ йиллар хизматда бўлган рус амалдорларидан бири генерал А.П.Хорошкин, "Тошкентда савдогарлар жуда кўп, 20-30 сўм пули бўлган (ўша даврда бир қўй 2 сўм 50 тийин турган) киши савдогарчилик қилаверади", — деб ёзган эди.

Н.А.Тетеревниковнинг маълумотига кўра, Тошкентнинг бош бозорида (Чорсу) бозор майдонининг бўйи 40 саржин, эни 100 саржин эди. (Бир саржин 2 метр 13 см.). Шаҳар ўртасидаги катта бозорда 4500 та дўкон, 42 карвонсаройда эса 519 та дўкон, ҳар бир сотиладиган моллар учун алоҳида расталари бўлган дўконлар ишлаб турган. Бу дўконларнинг кўпчилиги айни вақтда устахона вазифасини ҳам ўтаган.

Тошкент Чор Россияси томонидан истило қилинганидан кейин шаҳарнинг янги қисмини барпо этиш режалаштирилди. Шу билан бирга 1867 йилнинг 17 апрелида шаҳар бозорлари бошқармасининг қарори билан шаҳар бозор майдонлари ва дўконлари қурилиши ҳам қайта режалаштирилди. Бунга кўра бозор майдони анча кенгайтирилиб, расталар, омборхоналар сони кўпайтирилди. Бозорда тозаликка риоя қилиш, тартиб-интизом, тош-тарозидан тўғри фойдаланиш, сотувчилардан олинадиган солиқлар устидан назорат кучайтирилди. 1876 йилгача ишлатилиб келинган маҳаллий тош-тарозилар бекор қилиниб, янги тош-тарози ўлчови жорий этилди. XIX асрнинг 80-90-йилларида Тошкентда бўлган сайёҳлар ва йирик савдогарлар Тошкент йирик савдо шаҳри сифатида маълум ва машҳур бўлганлиги ва бу ерга бошқа мамлакатлардан, айниқса, Россия шаҳарларидан тўхтовсиз савдо карвонлари келиб турганлигини, бозорлари мўл-кўллигини ўзларининг ҳисоботлари ва йўл хотираларида ёзиб қолдирганлар. Жумладан, 1819-1822 йиллари Сибирь ўлка генерал-губернатори бўлган М.Сперанскийнинг тўплаган маълумотларига кўра, Россиянинг йирик савдо базаси ҳисобланган Петропавловск ва Семипалатинскдан чиққан карвон Тошкентга катта моллар билан келган. Бу масофани карвонлар 35 кунда, чорва молларини ҳайдаб келганлар эса 45-60 кунда босиб ўтганлар. Йўл деярли текис бўлиб, ҳатто аравада юк ташиш одат бўлмаганлиги учун тошкентликлар юкни туя ва отларда ортиб келтирадилар, — дейди Сперанский.

Рус молларига, айниқса ипгазлама, гулли чит, дока, мовут, чўян, мис, қанд ва рўмолларига Тошкент бозорида харидор кўп. Шу сабабдан бизлар харидорбоп молларни Ўрта Осиёга, жумладан, Тошкентга кўпроқ жўнатишни хоҳлаймиз.

1867 йили Россиядан Тошкентга 2 миллион 271 минг сўмлик турли товарлар келтирилган, Тошкентдан Россия шаҳарларига 2 миллион 960 минг сўмлик товар чиқарилганлиги архив ҳужжатларида қайд этилган. Шунингдек, 1870-1871 йилларда катта миқдордаги товарлар савдо-сотиқ қилиш мақсадида олиб кетилган ва олиб келинган.

Тарихий манбаларда кўрсатилишича, 1875 йили Тошкентдан Оренбургга 5996 туяда, Троицкга 6175 туяда, Петропавловскка 1492 туяда, Семипалатинскка 536 туяда, Сирдарёга 7718 туяда, 383 отда, 657 аравада, Еттисувга 1959 туяда, 70 та аравада, Зарафшон округига 918 туяда, 513 аравада, Қўқонга 3550 туяда, 537 отда 243 аравада, Бухорога 143 туяда, 27 отда, Қашқарга 87 туяда, 107 отда, ҳаммаси бўлиб, 28 минг 578 туяда, 1033 отда, 1512 аравада турли хил товарлар — пахта, ипак ва ипак буюмлари, Қоракўл, жун, мўйна, гилам, чит, чопон, кўрпа, майиз, қуруқ мева ва бошқа маҳсулотларни жўнатган.

Шундай қилиб, 1875 йили Тошкентдан ҳаммаси бўлиб, 5 миллион 425 минг 48 сўмлик моллар четга, хусусан, Россиянинг шаҳарларига чиқарилган. Тошкентнинг йиллик савдо айланмаси, импорт 11 миллион 647 минг 60 сўмни, экспорт, 6 миллион 112 минг 500 сўмни, жами савдо обороти 17 миллион 759 минг 560 сўмни ташкил этган. Туркистон ўлкаси шаҳарлари ичида савдо соҳасида Тошкент XIX асрнинг иккинчи ярмида биринчи ўринда турган.

Юқорида келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, Тошкент Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар учун ўзига хос савдо маркази бўлган.

(Давоми бор)

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Тошкент шаҳри

"МАҲАЛЛА — УМРИМ БЕЗАГИ"

— дейди маҳалла жонкуяри кўп қаватли уйларда илк бор маҳалла ташкил этган фидойи отахон Эгамназар Қодиров.

Эгамназар Қодировнинг ёши етмишдан ошган. У ўтган умрининг ярмидан кўпини маҳаллага бахшида этди. Маҳалладан ўрганди, ўрганганини маҳаллага берди. Эл иши учун, юрт тараққиёти йўлида ҳамон ғайрат ва шижоатини аямай келаётган бу отахоннинг юртимизда маҳалла тизими равнақига қўшган беқиёс ҳиссаси ҳақида гапирсак, кўпчиликнинг тасаввурида мустақилликдан кейинги йиллар жонланади. Бироқ Э.Қодиров маҳаллага фидойилиги ва жонкуярлиги билан анча илгари танилганди...

Эгамназар ота собиқ иттифоқ даврида Тошкент шаҳар совети депутати, Ўзбекистон Олий суди маслаҳатчиси, Ўзбекистон халқлари тарихи музейида илмий ходим, бўлим бошлиғи, Ўзбекистон кино санъати музейининг асосчи директори сифатида фаолият олиб борар экан, жамоатчилик ишидаги ташаббускорлиги, ташкилотчилиги билан ҳам кўпнинг эътиборини ва эътирофини қозонди.

Эгамназар Қодировни ҳам халққа яқинлаштирган маҳалла бўлди. У 1966-1974 йиллар мобайнида Шайхонтоҳур туманидаги Навоий номли маҳалла йиғинига раислик қилар экан, кўпнинг қувончу ташвиши билан яшашни ўрганди. Гарчи ўша пайтларда маҳалла ўзини ўзи бошқаришга асосланган мустақил орган сифатида шаклланмаган бўлса-да, Эгамназар ака маҳалланинг халқ орасида фаолиятда бўлиши учун ҳаракат қилар эди. 1974 йилга келиб маҳалладаги эски уйжойларнинг бузилиши муносабати билан ҳудуд аҳлига Юнусобод туманининг 7-мавзесида жойлашган кўп қаватли уйлардан хонадонлар ажратилди. Бу ерда аҳоли маҳаллага, маслаҳатгўй оқсоқолга эҳтиёж сеза бошлади. Аммо ўша пайтда ҳали кўп қаватли уйларда маҳалла фаолияти йўлга қўйилмаган эди. Бунга қаршилик кўрсатилар ҳам эди. Шу боис шўронинг қаттиққўл сиёсатига аралашиб, бошқарув тизимида янгилик яратишга ҳар кимнинг ҳам журъати етмасди. Боз устига, бундай ташаббуснинг майдонга чиқиши собиқ иттифоқчилар томонидан илиқ қарши олинмаслиги ҳам маълум эди. Бироқ Эгамназар ота тазйиқу қаршиликлардан чўчимади. У мамлакатимизда илк бор кўп қаватли уйларни бирлаштириб, маҳалла ташкил қилди. Янги маҳаллага Астробод номи берилди ва унга 1980 йилга қадар Э.Қодиров бошчилик қилди.

— Собиқ совет ҳукумати янгиликни ҳуш кўрмасди, — хотирлайди оқсоқол. — Астробод номи билан маҳалла ташкил қилиш қанча қийинчиликлар эвазига амалга ошган бўлса, бу ерда гузар бунёд қилиш ҳам ана шундай муаммоларни келтириб чиқарди. 1980 йилда Юнусобод туманининг 15-мавзесида ҳам маҳалла ташкил этдик. Истиқлолга эришилгач, маҳаллага Ўзбекистон Мустақиллиги деб ном берилди.

Эгамназар Қодиров бу маҳаллага ҳам 1998 йилга қадар раислик қилди. Бу даврда ҳудудда бунёд қилинган 8 хонадан иборат замонавий гузар, катта боғ, спорт ўйингоҳи ҳамда бошқа маданий ва маиший иншоотлар оқсоқолнинг ташкилотчилик иши маҳсули.

Отахоннинг эл-юрт олдидаги хизматлари Истиқлол йилларида муносиб равишда эътироф этилди. Унга мамлакатимиз Мустақиллигининг 9 йиллиги байрами муносабати билан Юртбошимиз томонидан "Эл-юрт ҳурмати" ордени топширилди. Шунингдек, у Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармасининг "Маҳалла жонкуяри" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Айни пайтда отахонни байраму тантаналарда, юртимизда бунёд этилаётган катта иншоотларнинг очилиш маросимларида учратиш мумкин. Зеро юрт тараққиёти, халқнинг озод ва обод турмушини орзулаб яшаган Эгамназар ота Қодиров ана шундай қувончли кунларда ўзини энг бахтиёр инсон деб сезади.

Фаррух БЎТАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Айни кунларда ҳар бир дақиқа вақтингизни ғанимат билишингиз атрофингиздаги инсонларнинг асабига тегиши мумкин.

СИГИР(22.04-20.05)
Ижодкорлар учун ҳафта омадли кечади. Лекин айни кунларда кўнгилчанлик қилиш муҳим ишларда салбий таъсир кўрсатади.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Яқин кунларда хўжалик юмушлари билан банд бўлинг. Шу билан бирга оила аъзоларингизга эътиборли бўлишни унутманг.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Айни кунларда сизни қутилмаган ва қизиқарли танишувлар кутмоқда. Ҳафта мобайнида кўнглингизга қараб иш тутишингиз мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Яқинларингизга қилган озгина эътиборингиз уларнинг кўнглини тоғдек кўтаришини унутмаган ҳолда иш юритинг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Шу кунлардаги бор куч-ғайратингизни мақсадларни амалга ошириш сари йўналтиринг. Сизни бу борада омад кутмоқда.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Муҳим бўлган ишларингиз ва ижодий учрашувларни амалга ошириш учун қулай фурсат етди. Кўпгина сирли нарсалар аён бўлади.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ҳамкорликдаги шартномаларни амалга оширишга чўчиманг. Оилавий муносабатларингизни тартибга солишга ҳаракат қилинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Айни кунларда турли келишмовчиликларга дуч келишингиз мумкин. Дам олиш кунларида муҳим ўзгаришлар содир бўлиши эҳтимол.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Юмушларингизни ўзингизни бировларга яхши кўрсатиш учун эмас, балки кўнглингизга ёққани учун бажаринг.

КОВҒА (20.01-18.02)
Ҳамкасбларингизни доимо ҳайратлантириб келгансиз. Лекин ўзингизга ортича баҳо бериб юбормаслигингиз керак.

БАЛИК (19.02-20.03)
Ижодий ҳамкорлик қилиш учун яхши имкониятлар пайдо бўлиши мумкин. Бундай имкониятни қўлдан чиқармаслигингиз керак.

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

Хоразм вилояти

"ҲИДОЯТ"ДАН БЕМИННАТ ХИЗМАТ

Урганч шаҳридаги Гулистон маҳалласида ободончилик, экология ва фуқаролар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ишда маҳалла йиғини шу ҳудудда жойлашган "Ҳидоят" соғломлаштириш мажмуаси маъмурияти билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Айни кунда бу мажмуа қошида "Саломатлик" гуруҳи ташкил этилиб, унда ўз саломатлигини тиклашга муҳтож бўлган маҳалла фуқароларига беминнат хизмат кўрсатилмоқда.





Бундан ташқари, тарғибот-ташвиқот ишлари самараси ўлароқ маҳалланинг ёшу қариси фаол спортсеварларга айланишган. Ўнлаб маҳалладошлар ҳар тонг баҳаво боғда бадантарбия машқларини бажарадилар.

СУРАТЛАРДА: *гулистонлик уй бекалари (юқорида) тонгги бадантарбияни канда қилишмайди;*
сувдаги машқлар ҳам минг бир дардга даволигига гулистонликлар ишонч ҳосил қилишган.

Қадамбек ОТАЕВ олган суратлар.

ESENYA
КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ
ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
☑ БОҒЛАР, АТТРАКЦИОНЛАР, БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
☑ БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
☑ БАССЕЙНЛАР;
☑ АКВАПАРКЛАР.
Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.
Эскириб колган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.
Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Каҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: 107-16-00. Тел./факс: 152-13-01.

ESENYA
Bau- und Handelinvestition GmbH
Trauenrent - Deutschland
STAR PARK CATALOGUE
БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

Тошкент Автомобил йўллари институти томонидан Касимов Мирзохид Яхеевич номига 19.03.1993 й.да берилган 035444 рақамли (рўйхат рақами 394) диплом йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Тошкент вилояти Тошкент туманидаги Й.Охунбобоев номли 9-мактаб томонидан Азизов Абдурахмон Абдурашидович номига 06.06.2005 й.да берилган OR-SK-0210199 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ томонидан "Юнусободтуманшаробсавдо" шўъба корхонасига берилган думолоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Юнусобод тумани 12-мактаб томонидан 1985 йилда Валиев Ренат Арсланович номига 021441 рақами билан берилган аттестат йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Тошкент шаҳар 23-лицей томонидан 1993 йилда Носирова Дилором Джурабоевна номига берилган АУ 288473 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Чилонзор туманидаги Матбаа коллежи томонидан Қўзибаева Шохиста Акрамжановна номига берилган 277849 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Юнусобод туманидаги "BUXORO SEMENT SAVDO" МЧЖ (ОКПО коди 19513937) фаолияти тугатилади. Даъволар эълон чиққандан сўнг 2 ой муддатда қабул қилинади:
Манзил: Марказ-5, 1а-уй, телефон: 40-58-52

Утерянный далолатнома выданный Юнусабадским хокимиятом и свидетельство о регистрации выданное ГОРСТАТОМ на ГУП "SARBON SARI" при ВТШПБ МВД РУз Юнусабадского района считать **недействительным.**

ТАТУ томонидан 2002 йилда Султонов Зокир Алишбоевич номига берилган КПУ — 40 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93,
Тел/Факс: — 133-44-25,
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7215 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-824 Топширилди —
1 2 3 4 5